

Абу Жаҳийр раҳимаҳуллоҳ



18:10 / 03.06.2019 3638

Солиҳ Муррий ҳикоя қилади: “Бир куни олдимга Молик ибн Динор келди ва: “Эй Солиҳ, бизни Абу Жаҳийрнинг олдига олиб боринг, ҳаққимизга дуо қилсинлар!” деди. Мен унга: “Қуёш чиқиб бўлди, Абу Жаҳийр уйларига кириб кетсалар, келган бирорта одамнинг олдига чиқмайдилар” дедим. У кишининг уйлари Басрадаги энг узоқ уй эди. Сахро эса у кишининг қўшниси эди. Ҳовлилари олдида қудуқ, челак, тошлар ва масжид бор эди. Моликка: “Эртага бомдодни ўқибоқ, йўлга тушамиз. Уйларига кириб кетишларидан олдин масжидда ўтирганларида етиб борамиз” дедим.

Эртаси куни бомдодни ўқиб бўлганимда, Муҳаммад ибн Восеъ келиб қолди. Салом берди ва ўтирди. Ундан: “Сизни бу ерга қандай мақсад келтирди?” деб сўрадим. У: “Эй Абу Абдуллоҳ, мен билан Абу Жаҳийрнинг олдиларига борасизми, ҳаққимизга дуо қилардилар?” деди. “Молик ибн Динорга ваъда

бериб қўйгандим. Ҳозир келади, бирга борамиз” дедим. Гапимни тугатмасимдан Собит Буноний келиб қолди. Салом берди ва ўтирди. Ундан: “Эй Абу Муҳаммад, сизни бу ерга қандай мақсад келтирди?” деб сўрадим. У: “Мени Абу Жаҳийрнинг олдиларига олиб борасизми, ҳаққимизга дуо қилардилар?” деди. Мен унга: “Бу икковлари ҳам (яъни Ҳабиб Ажамий ҳам ўша ерда экан ва Муҳаммад ибн Восеъ) сизникидек мақсадда бу ерга келишган. Моликка ваъда бериб қўйгандим. Ҳозир келса, туриб, бирга борамиз” дедим. Гапимни тугатмасимдан туриб Молик келди.

Бешовлон (Молик ибн Динор, Муҳаммад ибн Восеъ, Ҳабиб Ажамий, Собит Буноний ва Солиҳ Муррий) ўрнимиздан туриб, йўлга тушдик. Ўша пайтларда Басрада улардан кўра афзалроқ киши йўқ эди. Сахро тарафга йўл олдик. Ҳар гал кўкаламзор боғлар ёнидан ўтганимизда Молик: “Эй Абу Муҳаммад, шу ерларда намоз ўқигин. Токи намоз ўқиган жойларинг эртага сенинг фойданга гувоҳлик берсин” деди. Шу тарзда йўлда намоз ўқиб бордик. Зуҳо пайти ҳам келди. Ҳаво иссиқ эди. Йўл эса узоқ.

Биз Абу Жаҳийрнинг манзилига етиб келдик. Келсак, уйларига кириб кетган эканлар. Киришга изн сўрадик. Девор ортидан бир аёл бизга жавоб қилди. Биз аёлнинг юзини кўрмадик. Аёл биздан: “Нима хоҳлайсизлар?” деб сўради. “Шайхни” дедик. Шунда аёл: “У кишини пешинга чиққанларида топасизлар иншааллоҳ” деди. Бир-биримизга: “Қаерга борамиз? Пешингача қаерда турамыз?” дедик-да, у кишининг масжидларига бордик.

Биттамыз намоз ўқишга, биттамыз Қуръон ўқишга, биттамыз Аллоҳ таолони зикр қилишга киришдик. Ва, ниҳоят пешин вақти ҳам бўлди. Масжид олдидаги қудуқ ёнига чиқдик. Сувидан ичдик, таҳорат олдик ва яна масжидга кирдик. Намоз ўқидик. Шу пайт масжидга Абу Жаҳийр кириб келдилар. Кўзлари ожиз, юзларидан нур таралиб турган бир киши. Намозга азон айтилди. У киши меҳробга келиб турдилар. Саккиз ракат намоз ўқидилар. Ўндан ортиқ қўшнилари ҳам масжидга кириб келишди. Кейин биз билан пешинни ўқидилар. Намоздан сўнг бир соат Аллоҳ таолони зикр қилиб ўтирдилар. Кейин туриб саккиз ракат намоз ўқидилар. Сўнгра бизга юзландилар.

Муҳаммад ибн Восеъ туриб бориб, у кишига салом берди. У зот уни қутладилар ва саломига алик олдилар. Кейин ундан: “Аллоҳ сенга раҳм қилсин, кимсан?” деб сўрадилар. “Мен Муҳаммад ибн Восеъман” деди. “Басра аҳли “Энг обид инсон” деб биладиган киши сенмисан? Аллоҳ таолодан яхшилигингни сатр қилишини сўрамайсанми?” дедилар.

Муҳаммад сукут қилди ва ўтирди.

Кейин Собит Буноний туриб бориб, у кишига салом берди. У зот унинг саломига алик олдилар. Кейин ундан: “Аллоҳ сенга раҳм қилсин, кимсан?” деб сўрадилар. “Мен Собитман” деди. “Абу Муҳаммадми?” деб сўрадилар. У “Ҳа” деди. У зот уни қутладилар ва “Басра аҳли “Энг кўп намоз ўқийдиган инсон” деб биладиган киши сенмисан? Аллоҳ таолодан яхшилигингни сатр қилишини сўрамайсанми?” дедилар. Собит сукут қилди ва ўтирди.

Кейин Ҳабиб Абу Муҳаммад туриб бориб, у кишига салом берди. У зот унинг саломига алик олдилар. Кейин ундан: “Аллоҳ сенга раҳм қилсин, кимсан?” деб сўрадилар. “Мен Ҳабибман” деди. “Абу Муҳаммадми?” деб сўрадилар. У “Ҳа” деди. У зот уни қутладилар ва “Басра аҳли “Дуоси ижобат бўладиган инсон” деб биладиган киши сенмисан? Аллоҳ таолодан яхшилигингни сатр қилишини сўрамайсанми?” дедилар. Собит сукут қилди ва ўтирди.

Кейин Молик туриб бориб, у кишига салом берди. У зот унинг саломига алик олдилар. Кейин ундан: “Аллоҳ сенга раҳм қилсин, кимсан?” деб сўрадилар. “Мен Моликман” деди. “Абу Яҳёми?” деб сўрадилар. У “Ҳа” деди. У зот “Бай, бай! Басра аҳли “Энг зоҳид инсон” деб биладиган киши сенмисан? Аллоҳ таолодан яхшилигингни сатр қилишини сўрамайсанми?” дедилар. Молик сукут қилди ва ўтирди.

Кейин мен туриб бориб, у кишига салом бердим. Саломимга алик олдилар. “Аллоҳ сенга раҳм қилсин, кимсан?” деб сўрадилар. “Мен Солиҳман” дедим. “Қорими?” дедилар. Мен: “Ҳа” дедим. Шунда у зот қўлларини кўтариб: “Менинг олдимга сизларни жам қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин! Мен Аллоҳ таолодан сизларни олдимга жам қилишини сўрардим. Эй Солиҳ, албатта, мен сенинг қироатингга муштоқман” дедилар.

Муҳаммад ибн Восеъ у кишига: “Эй Абу Жаҳийр, биз сизнинг олдингизга ҳаққимизга дуо қилсангиз деб келган эдик” деди. У киши қўлларини кўтардилар, биз ҳам кўтардик. Бизнинг ҳаққимизга узоқ дуо қилдилар.

Кейин “Эй Солиҳ, ўқи!” дедилар. Ўқишни бошладим. Аллоҳ таоло менга олдин ўзимда сезмаган бир овозни ато этди. Ундай овозни ўзимдан бошқадан эшитмаган эдим.

أَلَيْقُمْ نَسْخَ أَوْ أَرْقَتْ سُمْرِي خِذِي مَوْيِي. ۞ نَجَلْ أَبَا حَصْرًا

“Ўша кунда жаннат эгаларининг қароргоҳлари ва оромгоҳлар ғоят яхшидир”.

الَّذِينَ نَزَّلْنَا لَهُمُ الْمَائِدَ الْمُنِيمَةَ وَالَّذِينَ نَزَّلْنَا لَهُمُ الْقُرْآنَ وَمَنْ أُولَئِكَ سَيَرْجُونَ

“У кунда булутли осмон ёрилиб, фаришталар бўлак-бўлак тушурилурлар”.

نَحْنُ نَحْكُمُ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ وَاللَّيْلُ وَالنَّهَارُ

“У кунда ҳукмронлик Роҳманга ҳақ бўлур” (Фурқон сураси, 24-26-оятлар).

Оят шу ерга етганда, у киши жуда ҳам баланд овозда бақирдилар. Ўзларини ерга уриб, ҳушларидан кетдилар. Биз у кишини ўлиб қолдилар деб ўйлаб, қимирлатиб кўрдик ва устларидан сув қўйдик. У зот ҳушларига келдилар. Кўринишларидан худди вафот этган одамдек қимир этмасдилар. Бироз ўтиб, менга: “Эй Солиҳ, ўқи! Мен сенинг қироатингга тўймадим” дедилар. Мен:

أَرَأَيْتُمْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ أَنْ تُبَدِّلُوا دِينَكُمْ أَنْ تَقُولُوا

“Ва қилган амалига келиб, уларни тўзон каби сочиб юборурмиз”. (Кофирларнинг бу дунёда қилган баъзи бир яхши амаларидан умидлари бўлиши мумкин. Аммо иймон бўлмаганидан кейин у ишлар ҳеч фойда бера олмайди. Қиёмат куни Аллоҳ таоло у амалларни ҳам тўзон каби сочиб юборади.) (Фурқон сураси, 23-оят) оятини ўқидим.

Аллоҳга қасамки, оятни тугатмасимдан туриб, у киши вафот этдилар. Аллоҳ раҳматига олсин! Биз у кишини олдингидек ҳушларидан кетдилар деб ўйлаб, қимирлатиб кўрдик. Қарасак, жонлари узилиб бўлган экан.

Уйларидаги аёлнинг олдига бориб: “Эй аёл!” дедик. “Нима истайсизлар?” деб сўради. Биз: “Албатта, Абу Жаҳийр раҳимаҳуллоҳга Қуръон ўқиб берилди. У зот уни тинглаб туриб, вафот этдилар” дедик. Аёл: “Бу ҳайрон бўладиган нарса эмас. Лекин менга айтинглари-чи, орангизда Солиҳ қори борми?” деб сўради. “Уни танийсанми?” дедик. “Уни ҳеч кўрмаганман” деди аёл. “Унда нега сўраяпсан?” дедик. Аёл: “Абу Жаҳийр раҳимаҳуллоҳ: “Албатта, мен Солиҳ Муррийнинг қироатига муштоқман. Ҳой аёл, сен билиб қўйгинки, агар мен унинг қироатини тингласам, вафот этман” деганларини кўп эшитганман.

Сизлар келиб: “У киши Қуръонни тинглаб, вафот этдилар” деганингизда, мен ўйладимки, “Агар у киши Қуръонни тинглаб, вафот этган бўлсалар, айнан, Солиҳнинг қироатини эшитиб, вафоти этган бўлсалар керак” деб ўйладим”, дея жавоб берди.

Кейин аёл: “У кишининг дуоларини ижобат қилган, сўраганларини берган Аллоҳга ҳамд бўлсин! Ҳой сизлар! Албатта, Абу Жаҳийр: “Эй Роббим! Ишимни одамлардан яшир!” деб кўп дуо қилардилар. Мана бу у кишини ювиладиган сўри, кафанлари, пахталари, сувга қўшиладиган хушбўйликлар, ёғ, идиш, кўмир – барчаси тайёрлаб қўйилган. У зот уларни ҳар куни янгилаб қўярдилар. Бу нарсаларни сотиб олишинглар шарт эмас. Мана булар эса қабр кавлаш учун занбил, белкурак ва болға. Бизнинг атрофимиздаги уйларда қўшниларимиз бир киши-икки киши бўлиб яшашади. Уларга хабар беринглар, келишсин. Устознинг қабрларини шу ҳовлиларида қазишади. Сизлар у кишини ювишга киришасизлар. Кейин қабрга қўясизлар” деди.

Биз бу ишларнинг ҳаммасини қилдик. ювдик, сўрига ётқиздик. Йигирма киши атрофидаги қўшнилари тўпланишди. Устознинг ҳовлиларида қабр қазишди. Устозни ювиб бўлганимиздан сўнг кафанларини келтирдик, кафанга ўрадик, яна сўрига ётқизиб қўйдик. Қабрларини ҳам қазиб бўлинган эди. Уйларида ҳовлига олиб чиқдик. Муҳаммад ибн Восеъ жанозада имомлик қилди. Кейин устозни дафн этдик. Ҳалиги аёлнинг юзини асло кўрмадик, йиғлаганини эшитмадик, маҳзунликни ифода қиладиган бирорта аломат, сезгини ҳис қилмадик. Дафн қилиб бўлгач, барчамиз тарқалдик.

Шу воқеадан кейин қачон Муҳаммад ибн Сулаймон Ҳошимийга йўлиқиб қолсам, у менга: “Эй Солиҳ, менга Абу Жаҳийр ҳақларида гапириб бер” дер эди. Мен гапириб берардим, у эса соқоли нам бўлгунча йиғларди”.